

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухоро, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 февралда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳофазатига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил сентябрь ойда Қозғистон Республикасига давлат таърифи чоғида имзоланган 2006-2008 йилларда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро маданий ҳамкорлиқни ривожлантириш дастурига мувофиқ Қ.Жандарбеков номидаги Жетисой қозок драма театри жамоаси бир hafta давомида Жиззах, Навоий ва Тошкент вилоятларида гастроль сафарига бўлди.

● Қўқон шаҳрида ўтказилган семинар Олий Мажлис Сенати Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Сенатнинг ва Сенат қўмиталарининг қарорлари ижро этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши ҳақидаги масалага бағишланди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ва партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан «В.П.Чалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамиятида учрашув бўлиб ўтди.

● Жиззах туманидаги Киевбоши қишлоғида жойлашган мактабгача таълим муассасаси, мактаб, қишлоқ врачлик пункти ва 400 та уй янги йилдан бошлаб ҳақиқий булук суви билан таъминланади. «Адир садоси» фермер ҳўжалиги раҳбари лойиҳаси асосида 6 миллион сўмдан ортиқ маблағ қудуқ қазиб, насос харид қилиш ва 500 метр полиэтилен қувурлар олиш, монтажчиларнинг хизматига ҳақ тўлаш учун сарфланди.

● Қашқадарё вилоятига навбатдаги 40 миллион сўмлик инсонпарварлик юки ортилган «Ўзбекистон темир йўллари — «ЭКОСАН» саломатлик поездеи жўнаб кетди. Инсонпарварлик ёрдами ҳомийлар маблағлари, шунингдек, «Экология ва саломатлик қунари» доирасида ўтказилган экологик ҳашарлардан тушган маблағ эвазига ташкил этилди.

## ЖАҲОНДА

● Кеча Сенегал Республикасида 14 та номзод ўртасида Президент сайловлари бўлиб ўтди. Мутахассисларнинг фикрича, номзодлардан учтасининг президентликка сайланиш имконияти жуда юқори. Агарда бирорта номзод талаб этиладиган 50 фоиздан ортиқ овоз ололмаса, сайловларнинг иккинчи босқичи ўтказилади.

● Португалиянинг собиқ мустамлакаси, 2002 йилда жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган Шаркий Тимор Бош вазири, Нобель мукофоти лауреати Жозе Рамуш Орта жорий йилнинг 9 апрелида бўлиб ўтдиган президентлик сайловига ўз номзодини қўйишни билдирди.

● Италия Бош вазири Романо Продиға ишонч юзасидан қарор қабул қилиш масаласи шу ҳафтанинг пайшанба кунин Сенатда, жумлада эса парламентнинг қуйи палатасида қўриб чиқилади. Шу муносабат билан муҳолиф етакчиси — мамлакатнинг собиқ бош вазири Сильвио Берлускони ўзининг қатъий норозилигини билдирди.

● Эронда тижорат мақсадларига йўналтирилган элтувчи ракета космосга муваффақиятли учирди. Мамлакат маъмурларининг режаларига кўра 2010 йилга қадар алоқа воситаларини ривожлантириш мақсадида Эрон қонинотга яна тўртта шундай сунъий йўлдошни учиради.

● Кеча Бағдоднинг шаркий қисмидаги давлат университети иқтисодиёт факультетига қираверибда террорчи-камакдаэ томонидан қўйлаги орасига яширилган бомбанинг портлатилиши натижасида 40 киши ҳаётдан кўз юмди, 35 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Францияда «Сезар» номидаги миллий кино мукофотларини соҳибларига топшириш маросими бўлиб ўтди.

● Буюк Британия Маориф вазирлиги мактаб ўқитувчиларининг ҳуқуқини кенгайтирди, яъни уларга тинтув ўтказиш ҳуқуқини берди. «The Telegraph» нашрининг хабар беришича, ўқувчида пичок ёки тўппонча сингари совуқ қурол борлигига шубҳа туғилса, ўқитувчи дарҳол тинтув ўтказиши лозим. Бундан мақсад мактабларда зўравонликларнинг олдини олишдир.

● Миср эҳромларида амалга оширилган тадқиқот ишлари натижасида бундан тахминан уч-тўрт минг йиллар аввал дафн этилган ва яхши сақланган иккита фиръавнинг мўйибланган танаси топилди.

● Яман ҳукумати Қизил денгиз устида Яман ва Жибутини бир-бирига боғлайдиган 14 километрик улкан қўриқ қуришни режалаштирмоқда. Аини пайтда қўриқ лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда ва уни амалга ошириш ишлари икки ойдан кейин бошланади. Ушбу қўриқ ишга туширилса, у Осиё ва Африкани ўзаро боғловчи иншоотга айланади.

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТимоий-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 39 (10.848)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Каска сатрларда

● **КЕЧА** Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан Мирзо Улугбек туманидаги «Нур» қаҳвахонасида кам таъминланган оилаларнинг 30 нафар фарзандлари учун туман ҳокимлиги ва туман хотин-қизлар қўмитаси ҳомийлигида хатна тўйи ўтказилди.

● **БУГУН** «Қамолот» ЕИҲ Марказий Кенгашида «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида ўтказилган «Нима, қачон, қаерда?» интеллектуал мусобақасининг Тошкент шаҳар финал босқичи бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига ёшлар ўртасида ташкил-лаштирилган шахмат фестивалининг Тошкент шаҳар финал босқичи ўтказилди.

● **СЕРГЕЛИ** Саноат касб-ҳунар коллежидан Сергели туман коллеж ва мактабларининг битирувчи йиғитлари иштирокида Фидокорлар миллий демократик партияси Сергели туман Кенгаши ташаббуси билан туман мудофаа ишлари бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбир «Официрлик—шарафли касб» деб номланди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги Тошкент Педагогика коллежидан туман хотин-қизлар қўмитаси, туман ФХДБ бўлими, туман «Ойла» маркази, «Наврўз» никоҳ маросимлари маркази ҳамда Маънавият тарғибот марказининг Чилонзор туман бўлими ҳамкорликларида «Ойла—муҳаббат қасри» мавзусида ўтказилган семинарда халқ таълими, урта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларининг юқори синф ўқувчи қизлари иштирок этишди.

● **РЕСПУБЛИКА** Ногиронлар касб-ҳунар коллежидан Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган хайрия тадбири «Меҳр чашмаси» деб номланди.

● **ЎЗБЕК** Миллий академик драма театрида талабалар томонидан тайёрланган ва «Биз — иллатларга қаршимиз» мавзусида ўтказилган плакатлар қўриқ-танлови Қамолдидин Беход номидаги миллий дизайн ва рассомлик санъати институти ташаббуси билан ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

**ҚОНУНЛАРНИ ИЗЧИЛ ВА ОҒИШМАЙ ИЖРО ЭТИШ, ҚОНУН УСТУВОРЛИгини ТАЪМИНЛАШ ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТЛАРИ ВА АСОСЛАРИДАН БИРИДИР. ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУНЛАРНИНГ ЎЗ ВАҚТИДА ВА ЛОЗИМ ДАРАЖАДА АМАЛГА ОШИРИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ БУГУНГИ КУНДА ҲОКИМИЯТНИНГ ҚОНУН ЧИҚАРУВИ, ИЖРО ЭТУВЧИ ҲАМДА СУД ТАРМОҚЛАРИ ОРГАНЛАРИ ОЛДИДА ТУРГАН ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАР СИРАСИГА КИРАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, «бу борада яна қандай қонуний нормалар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши зарурлигини, амалдаги қонун ҳужжатлари бугун нима учун ишламаётганини аниқлаш гоёт муҳим аҳамият касб этади». Олий Мажлисининг қонунчилик ва назорат вазифалари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, парламент назоратининг асосий мақсади ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари билан уйғун ҳамкорлик орқали жойлардаги ишларнинг ҳақиқий аҳолини ўрганиш асосида барча минтақаларда қонунларнинг ижро этилишини амалий жиҳатдан яхшилашдан иборат. Назорат вазифаларининг муҳим шаклларида бири эса парламент сўровидир.

Сенатнинг Ташки сийёсат масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган семинар-тренинг «Парламент сўрови парламент назоратининг самарали шаклларида бириди» деган мавзуга бағишланди.

Анжуманда таъкидлаб ўтилдики, халқ томонидан сайланган сенаторлар ва депутатлар амалдаги қонунлар, Олий

**МАНА 11 ЙИЛДИРКИ, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ СОВРИНИ УЧУН ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН «ТАШАББУС» КЎРИК-ТАНЛОВИ ТАДБИРКОР ВА ХУНАРМАНДЛАРНИ ЯНГИ-ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАРГА ДАВВАТ ЭТИБ, УЛАРНИНГ САФЛАРИ ТОБОРА КЕНГАЙИШИГА ЗАМИН ЯРАТАЁТГАНИНИ ЭЪТИРОФ ЭТГАН ҲОЛДА АЙНИ КУНЛАРДА ПОЙТАХТИМИЗДА АНА ШУ ТАДБИРНИНГ ТУМАН БОСҚИЧЛАРИ ЯКУНИГА ЕТАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМ.**

«Ташаббус — 2007»

## ДИПЛОМ ВА СОВФАЛАР ТОПШИРИЛДИ

«Ташаббус — 2007» кўрик-танлови Учтепа туманида ҳам ўзига хос тарзда ўтказилиб, албатта ушбу синовга энг сара тадбиркор ва хунармандлар танлаб олинди.

— Туманимизда 1,5 мингга яқин тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси Учтепа туман филиали ҳамда Ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Сайёра Тўлаганова. — Президентимизнинг соҳа ривожига қаратилган қатор Фармон ва Қарорлари тадбиркорларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда, фаолиятлари эркинлигида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ходимларимиз ҳам ҳар бир мурожаат этган тадбиркорга хусусий маслаҳатлар беришда, чет эл ишбилармонлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишда, иқтисодий билимларини оширишда яқиндан ёрдам бериб, ноқонуний текширувларнинг олдини олишда ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси тадбиркорларнинг ишончини оширмоқда, улар ўз ишлаб чиқаришларини ташкил этиб иқтисодиёт ривожига хисса қўшишмоқда. Бугунги кўрик-танлов иштирокчилари орасида махсуслот экспортини йўлга қўйган тадбиркорларимиз, миллий хунармандчиликни жаҳонга танитаётган хунар усталари борлиги ҳам қувонарлидир.

Чиндан ҳам кўрик-танлов иштирокчиси саналмиш биргина «Қамол топ» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси фаолиятини олаётган бўлса, 19 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган ўз ушбу корхона ахли 2002 йилдан бошлаб ўзлари ишлаб чиқараётган — 100 фоиз пахтадан тайёрланган трикотаж кийим-кечакларини хориж давлатларига экспорт қилаётгани

эътиборлидир.

— Ўтган йилда жуда кўплаб янги турдаги моделларни яратишга муваффақ бўлди, — дейди корхона менежери Ойгул Жонибекова. — Биз нафақат ички, балки хориж бозорига ҳам махсуслотларимиз харидор-гирлигини таъминлашга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун замонавий техника ва техно-



логиялар қувватидан оқилона фойдаланамиз. 2006 йилда тайёрланган 25 минг АҚШ долларлик махсуслотларимизни Украинага экспорт қилган бўлсак, жорий йилда Россия бозорини қўзғаймиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кўрик-танлов иштирокчилари «Ҳамдам Афзал», «ИАБ Анвар», «Оху бону» хусусий корхоналари, хунармандлар — ёғоч уймақори Саидазим Рашидов, заргар Қамолдидин Тўраев, зардуз Шоира Болтақўжаевларнинг фаолиятлари ва кўргазма намойишларига таъриф буюрувчилар ҳамда жайрат аъзолари катта қизиқиш билдирди.


Ҳар бир танловнинг ўзига хос рағбати бўлиб, унда энг саралар номи алоҳида таъкидланади. Ушбу кўрик-танловда ҳам худди шундай бўлди. «Энг яхши тадбир-

кор» номи ҳамда 1-ўрин «Қамол топ» корхонаси (раҳбари Шоира Мусаева)га насиб этган бўлса, «Энг яхши хунарманд» номинацияси ғолиби деб ёғоч уймақори Саидазим Рашидов топилиди. Тадбиркорлик йўналиши бўйича 2-ўринга хусусий тадбиркор Муҳаббат Тошмуҳамедова, 3-ўринга эса «Ҳамдам Афзал» хусусий фирмаси сазовор бўлган бўлса, хунармандлар орасидан ёғоч уймақори Дилмурод Қосимов 2-ўрин ҳамда зардуз Шоира Болтақўжаева 3-ўрин соҳиблари деб эълон қилинди. Уларнинг ҳар бири диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Таъбир жоиз бўлса, мақолаимиз сўнгиди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан куйдаги жумаларни келтиришни маъқул кўрдик: «Кичик бизнес ва тадбиркорлик ўсиши билан биз мамлакатимизда таянчимиз ва суянчимиз бўлиши мумкин бўлган ўрта синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришамиз. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз ва ўзимизга яхши тасаввур этишимиз лозим».

Шарифа ИЛЁСОВА  
СУРАТЛАРДА: Учтепа туманида Президентининг учун ўтказилган «Ташаббус — 2007» кўрик-танловидан лавҳалар

Наталья Семёнова олган суратлар



кор» номи ҳамда 1-ўрин «Қамол топ» корхонаси (раҳбари Шоира Мусаева)га насиб этган бўлса, «Энг яхши хунарманд» номинацияси ғолиби деб ёғоч уймақори Саидазим Рашидов топилиди. Тадбиркорлик йўналиши бўйича 2-ўринга хусусий тадбиркор Муҳаббат Тошмуҳамедова, 3-ўринга эса «Ҳамдам Афзал» хусусий фирмаси сазовор бўлган бўлса, хунармандлар орасидан ёғоч уймақори Дилмурод Қосимов 2-ўрин ҳамда зардуз Шоира Болтақўжаева 3-ўрин соҳиблари деб эълон қилинди. Уларнинг ҳар бири диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Таъбир жоиз бўлса, мақолаимиз сўнгиди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан куйдаги жумаларни келтиришни маъқул кўрдик: «Кичик бизнес ва тадбиркорлик ўсиши билан биз мамлакатимизда таянчимиз ва суянчимиз бўлиши мумкин бўлган ўрта синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришамиз. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз ва ўзимизга яхши тасаввур этишимиз лозим».

Шарифа ИЛЁСОВА  
СУРАТЛАРДА: Учтепа туманида Президентининг учун ўтказилган «Ташаббус — 2007» кўрик-танловидан лавҳалар

Наталья Семёнова олган суратлар

## ҲУРМАТЛИ ХАМШАҲАРЛАР!

Шаҳримизда барча коммунал хизматлари кўрсатиш, жумладан, соҳага оид туман таъмирлаш ва авария-тиклаш ташкилотлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фонди, ижтимоий объектлар, муҳандислик тармоқларини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш борасидаги ишларини мувофиқлаштирувчи махсус маркази доимий фаолият юритади.

Сизнинг таклифларингизни инобатга олган ҳолда ҳамда белгиланган тегишли ишларни ўз вақтида тўлиқ якунлаш, шунингдек аҳолини куз-қиш мавсумида иссиқлик, электр қуввати, ичимлик суви, газ билан мунтазам таъминлаб бориш мақсадида уй-жойлар тасарруфидан аниқланган барча камчиликлар юзасидан Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси ҳузурида янги ташкил этилган ва куну тун фаолият юритувчи диспетчерлик хизматида **0-55 ТЕЛЕФОН** орқали мурожаат этишингизни сўраймиз.


Мурожаатларингиз бўйича аниқланган барча камчиликлар юзасидан тезкор чоралар кўрилади.

**Ишонамизки, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бевосита аҳоли билан бу борадаги ҳамкорлиги ўзаро манфаатли ишларимизда қўлланган натижаларга эришишга асос бўлади.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати







## МАШРИҚЗАМИН— ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Кимки, йўқдур нақдин пирояси,  
Билки, ҳиммат басдурур сармоясини.  
Мол-дунёси йўқ одамнинг ҳиммати бўлса,  
шунинг ўзи етарли давлатдир.

Кимсага ҳеч ишта гар етмас илик,  
Бок йўқ, гар ҳиммати бўлса бийик.  
Кишининг кўли бирор нарсасига етмаса ҳам,  
ҳиммати буюк бўлса, шунинг ўзи кифоядир.

Кимки, бўлғай ҳиммати оли(й) анга,  
Бар берур бу ҳиммат иқболи анга.  
Кимнинг ҳиммати олий бўлса, шу бахтнинг  
ўзи унга ўз самарасини беради.

Қазбаки, оламнинг ўлуб қибласи,  
Қадри йўқ, андоқки, кўнгул қазбаси.  
Оламнинг қибласи бўлган Қазбанинг кўнгул  
қазбасичалик қадри йўқ.

Кўнгул эрур булбули бўстони роз.  
Кўнгул сир бўстониининг булбулидир.  
Кимгаки бир ришта етурдунг зиён,  
Қатлинга ул риштани билгил йилон.

Бировга қил зарар етказган бўлсанг, у  
илондек сенинг ўлимингга сабаб бўлади.  
Кимки улугроқ, анга ҳизмат керак,  
Улки чикикроқ, анга шафқат керак.

Кимга фано ганжидин огоҳлик,  
Мулки қаноатда анга шоҳлик.  
Кимки фақирлик давлатидан баҳраманд  
бўлса, у қаноат мулкининг подшоҳи бўлади.

Кимки фалак сори отар тошини,  
Тош ила озурда қилур бошини.  
Ким осмонга тош отса, у ўз бошига тушиб,  
ўзига зарар етказида.

Кимгаки жонондин эрур жон азиз,  
Ҳайфки, қилғай ани жонон азиз.

Кишиким, ичса ҳиммат базмидин жом,  
Топар ул жомдин комин саранжом.  
Ҳиммат неъматидан баҳраманд бўлган киши  
барча муродо мақсадиға етади.

Ки ҳар иш сориким, табъ ўлди мойил,  
Эрур ўткармак андин ўзни мушқил.  
Кишининг кўнгули бир ишга мойил бўлса,  
ундан воз кечиши қийин.

Киши гар қилса минг йил подшолик,  
Жаҳон мулкига айлаб қадхудолик,  
Чу тортар оқибат жоми фаноини,  
Борур дам фаҳм этар бир дамча они.

Агар киши бутун дунёни кўлига киритиб,  
минг йил подшолик қилса ҳам, охир-оқибат  
ажал шарбатини ичади ва жон бераётганда  
минг йиллик умри бир лаҳза бўлиб туюлади.

Ки гардун етти қасридур вафосиз,  
Жаҳоннинг тўрт фасли ҳам бақосиз.

Кишининг ер юзига ҳукми етсун,  
Қазойи осмони етса нетсун.

Кўнгул дардиға дармондур насиҳат,  
Қилоли унча имкандур насиҳат.

Киши такдирдин бўлмас чу қочиб.

Ким чекса қадаҳ ниёз бирла,  
Хушроқки, риё намоз бирла.  
Риё билан намоз ўқигандан ихлос билан  
май ичган афзал.

Кўп деган кўп янгилур ва кўп еган кўп  
ийкилуру.

Кўп гапирган кўп янглишади ва кўп еган  
кўп дардга чалинади.

Кўп демак сўзга мағрурлуқ ва кўп емак  
нафсга маъмурлуқ.

Карам бир жафоқашининг шиддати юкин  
кўтармақдур ва ани ул суубатдин

Карам (меҳрибонлик, яхшилик) бир бечора-  
нинг оғирини енгил қилиш ва уни бу қийинчи-  
ликдан қутқаришдир.

Карам ва мурувват ота ва онадурлар, вафо  
ва ҳаё икки ҳамзод фарзанд.

Карам ва мурувват гўё ота-онаю вафо ва  
ҳаё икки туғишган фарзанд.

Комиллар — аҳли ҳаё ва ноқислар беҳаё.

Кимга қилдим бир вафоқим, юз  
жафосин кўрмадим,  
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин  
кўрмадим.

Киши ўзин ясагон бирла бўлурму ошиқ,  
Субҳи қозиб ёрумас, уйлаки субҳи

Кимки, савдоқим  
Киши ўзини севган каби кўрсатган билан  
ошиқ бўлиб қолмайди. Субҳи қозиб (ёлгон  
тонг) субҳи содиқ (ҳақиқий тонг)дек ёруғ  
бўлмайди.

Киши молидин неким баҳра олди  
анингдекдур, ҳар неким асради ўзганинг.

Кўнгул маҳзанининг қулфи тил ва  
ул маҳзанининг қалидин сўз бил.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



## Тадбирлар

# ГИЁВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

**БУГУНГИ КУНДА  
ИНСОНИЙ ҲАЁТИГА  
ЖИДДИЙ ХАВФ  
СОЛАЁТГАН  
МУАММОЛАРДАН БИРИ—  
ГИЁВАНДЛИК  
ҲИСОБЛАНАДИ. НЕГАКИ,  
УНИНГ КОМИГА  
ТОРТИЛАЁТГАН АКСАРИЯТ  
ЁШЛАР ҲАЁТНИНГ  
АЯНЧИ СЎҚМОҚЛАРИДА  
ҚОЛИБ КЕТАЁТГАНИ,  
БУНИНГ ОҚИБАТИДА  
ТУРЛИ КЎНГЎЛСИЗ  
ОҚИБАТЛАР КЕЛИБ  
ЧИҚАЁТГАНИДАН КЎЗ  
ЮМИБ БЎЛМАЙДИ.**

Шу маънода Тошкент Икти-  
сслашган касб-ҳунар коллежи-  
да бўлиб ўтган «Гиевандлик—аср  
вабоси» номи маърифий тадбир  
ана шу глобал муаммога бағиш-  
ланди.

Унда коллеж ўқувчилари,  
ўқитувчи ва мураббийлари, дав-  
лат, жамоат ташкилотлари вакил-

лари, оммавий ахборот восита-  
лари ходимлари иштирок этиш-  
ди.

Тадбирда сўз олган Мирзо  
Улуғбек туман прокурорининг  
ёрдамчиси А.Худоев, «Шахри-  
обод» маҳалласи фуқаролар йи-  
ғини раиси Ш.Жўраев, Миллий  
тикланиш демократик партияси  
шаҳар Кенгаши раиси ўринбоса-  
ри М.Иброҳимовлар гиеванд  
моддалар истеъмол қилиш орқ-  
али келиб чиқадиган оқибатлар  
ва уларнинг олдини олиш бора-  
сида амалдаги қонунчиликда бел-  
гиллаб қўйилган меъёрлар ҳақида  
тўхталишди.

Таъкидлаб ўтилганидек, гие-  
вандликка қарши курашиш фа-  
қат ҳуқуқ-тартибот ходимлари  
зиммасидаги вазифагина бўлиб  
қолмай, бу борада амалга оши-  
риладиган ишларни мактаб,  
оила, маҳалла Консепцияси до-  
ирасида ҳам ҳал этиш, айниқса,  
оилада соғлом муҳит тарзини  
шақллантириш, бу борада ота-  
оналар, ўзини ўзи бошқариш  
органлари масъулиятини оши-

риш зарурати сезилмоқда. Ал-  
батта, бу жараён силлиқ кечмай-  
ди. Шу боис, маҳаллаларда иш-  
сиз ёшларни муқим иш ўринла-  
ри билан таъминлаш, ёшларни  
ижтимоий ҳаётнинг турли жаҳ-  
даларидаги фойдали соҳаларга  
жалб этиш, маҳаллалараро тур-  
ли спорт мусобақаларини мун-  
тазам равишда ўтказиб туриш  
лозим бўлади.

— Бугунги тадбиримиз ёшлар  
маънавий дунёсида ўзига хос  
аҳамият касб этади деб ўйлай-  
ман,— дейди Мирзо Улуғбек ту-  
ман Маънавият ва маърифат Ке-  
нгаши масъул котиби, Маънавият  
тарғибот маркази раҳбари Хали-  
ма Жуманиёзова биз билан суҳ-  
батда.—Негаки, ёшлар дунёқара-  
шини миллий қадриятларимизга  
ҳурмат, урф-одатларимизга эҳти-  
ром руҳида шақллантира олсак,  
уларда гиевандликдек жirkanч  
иллатга ўрин қолмайди. Зеро,  
ёш низоҳ сөрвум замида қўкка  
бўй қўзсагина ундан қутилган  
ҳосилни олиш мумкин.

Хидирали ПАНЖИЕВ

# ГРИППНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ — ЭНГ САМАРАЛИ ЙЎЛ

нинг глобал тарқалиши эҳтимоли пайдо  
бўлаёттир. Бу бир қанча сабаблар, яъни ви-  
руснинг эски штаммлари қайта юзга кели-  
ши, ҳозирги шароитда инсон организми қар-  
шилиқ кўрсата олмайдиган мутант-вируслар,  
шунингдек, ҳайвонлар ва қушларни зарар-  
лайдиган вирусларда одамларга ўтадиган  
янги хусусиятларнинг пайдо бўлиши билан  
боғлиқ. Масалан, "парранда гриппи"нинг  
H5N1 штамми ана шундай касаллик кўзга-  
тувчи вируслар сирасига кириди. Кейинги  
бир неча йилда дунёда бу юқумли касал-  
ликка 273 киши қалинган, улардан 167 на-  
фари ҳаётдан кўз юмган.

Симпозимда бундан юз йил аввал Ита-  
лия ва АҚШда "парранда гриппи" билан ом-  
мавий касалланиш ҳолатлари кузатишган  
ҳақида гапирилди. Бироқ, ушбу мутақаллаш-  
ган вирус қушлардан одамларга ҳам ўта бош-  
лади. Касалликка қалиншишнинг дастлабки  
ҳолатлари Жануби-шарқий Осиёда рўйхатга  
олинди. Кейинчалик унинг одамлар учун хав-  
фили шимми янада кенг тарқалди. Покис-  
тон, Озарбойжон, Миср, Туркия, Марказий  
ва Шарқий Европа мамлакатларида ҳам  
одамларнинг касалланиши ҳоллари қайд  
этилди. Россиянинг Москва вилояти ва Буюк  
Британияда ушбу касалликка қалинган уй  
паррандалари ҳалок бўлаётгани тўғрисида-  
ги энг сўнгги маълумотлар вазиятнинг жид-  
дийлигини кўрсатаёттир. Шу муносабат билан  
республикамиз ҳудудига "парранда  
гриппи"нинг кириб келиши ва тарқалиши  
хавфи ортиб бормоқда.

Грипп миллий маркази раҳбари Р.Раҳи-  
мовнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда ушбу  
хавфнинг олдини олиш учун барча зарур  
чоралар қўрилмоқда. Маълумки, сувада су-

зувчи ёввойи қушлар "парранда гриппи"ни  
ташувчилар ҳисобланади. Шу сабабли улар-  
нинг учиб ўтиш мавсумида инфекциянинг  
кириб келиш хавфи янада ортади. Негаки,  
бу қушлар Ўзбекистон ҳудудидан ҳам учиб  
ўтади. Давлат санитария ва эпидемиология  
хизматлари ветеринарлар ҳамда орнитолог-  
лар билан яқин ҳамкорликда ишламоқда.  
Мамлакатимизда айна пайтгача уй парран-  
далари, хусусан, одамларнинг касалликка  
қалиншиш ҳолатларининг рўйхатга олинма-  
гани ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар сама-  
дорлигидан дарак беради. Давлат чегара-  
ларимизда, темир йўл бекатлари ва аэро-  
портларда санитария-назорат пунктлари фа-  
олияти қучайтирилган. Одамлар гажум бўла-  
диган жойлар, транспорт, шифохоналар, мак-  
таблар, болалар муассасаларида профилак-  
тика тадбирлари амалга оширилмоқда. Ка-  
салликка қалиншишнинг дастлабки ҳолати  
деб гумон қилинган беморларни даволаш учун  
қўшимча ўринлар, зарур дори-дармон ва де-  
зинфекцияловчи воситалар захираси ташкил  
этилди. Аҳоли ўртасида тушунтириш иш-  
лари олиб борилаёттир.

Айни пайтда одамдан одамга ўтадиган  
ва тез тарқаладиган грипп жиддий хавф  
туғдирмоқда. Шу сабабли мамлакатимиз-  
да Гриппнинг олдини олиш ва назорат  
қилиш ҳамда пандемияга тайёргарлик  
қилиш бўйича миллий дастур ишлаб чи-  
қилди. Дастурни амалга ошириш доира-  
сида умумий эпидемияга қарши чора-тад-  
бирларни ўтказиш, аҳолини оммавий эм-  
лашдан ташқари, республикамиз фуқаро-  
ларини шахсий профилактика чоралари,  
биринчи навбатда ушбу грипп ўзининг  
асоратлари билан хавфлилиги тўғрисида

кенг хабардор қилиш ишлари ҳам амалга  
оширилади. Бу борадаги ишларни Соғлиқ-  
ни сақлаш вазирлиги ҳузурида фаолият  
кўрсатаётган эпидемияга қарши штаб му-  
вофиқлаштирмоқда. Статистика маълумот-  
ларига кўра, бунинг натижасида 2006 йил-  
да Ўзбекистонда 2005 йилга нисбатан  
грипп билан касалланиш ҳолатлари анча  
камайди.

Тадбирда ЮНИСЕФнинг республикамиз-  
даги ваколатхонаси раҳбари Реза Хоссаян  
Ўзбекистон раҳбарияти соғлиқни сақ-  
лаш тизимини ривожлантириш, жумладан,  
грипп тарқалишининг олдини олишга қатта  
эътибор қаратаётганини таъкидлади. Бу бо-  
радаги яқин ҳамкорлик мамлакатда тегишли  
чора-тадбирларни амалга оширишда ёрдам  
беради.

Симпозим иштирокчилари ўз чиқиш-  
ларида республикамизда амалга оширилаёт-  
ган эпидемияга қарши ишлар самардорли-  
ги кўп жиҳатдан биргаликдаги саъй-ҳаракат-  
ларнинг яхши йўлга қўйилиши, оммавий ах-  
борот воситалари ёрдамида бу ишларга жа-  
моатчилигини ҳам кенг жалб қилиш билан  
боғлиқлигини қайд этди. Бундан ташқари,  
бошқа давлатларда турли эпидемияларга  
қарши кураш давомида олинган сабақлар  
Ўзбекистон учун ҳам фойда келтириши мум-  
кинлиги ҳақида сўз юритилди. Ўз навбати-  
да, мамлакатимизда ушбу соҳадаги мавжуд  
иқтисодий тажриба ҳам кенг жорий этилиши  
лозим. Бу гапни симпозим юзга келиши  
мумкин бўлган пандемияга қарши курашиш  
бўйича самарали механизмни ишлаб чиқиш-  
га қўмаклашади.

А.ИВАНОВА,  
Ўза муҳбири

# ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2007 йил 29 март куни соат 11:00да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси,  
1-а уй, Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси  
босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига М.Улуғбек тумани  
суд ижрочилари бўлимаси томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:  
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани судининг 2007 йил 17 январдаги қаро-  
рига асосан, Тошкент шаҳар Юнусов тумани, Марказ-5 манзилдаги "Шахнозахон" ХФга қарашли  
жарима майдончасида сақланаётган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами В  
991 ВВМ бўлган "BMW-520" русумли автотранспорт воситаси.  
Бошланғич баҳоси — 2 500 000 сўм.  
2007 йил 27 мартдаги аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда автотранспорт воситаси 2007  
йилнинг 3, 5, 10, 12, 17, 19, 24, 26 апрель, 1, 3, 8, 10, 15, 17, 22, 24 май кунлари ўтказиладиган  
аукцион савдоларида савдоси давом эттирилади.  
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаш-  
тириш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.  
Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич  
баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг: АТИБ «Ипотекабанк»  
Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, ИНН 200933850; 2010000700571452062 ҳисоб рақамига  
тўлашлари шарт.  
Телефонлар: 399-79-52, 399-84-48, 144-44-73, 144-44-72.  
Интернетдаги сайти: [www.rkmb.uz](http://www.rkmb.uz) Лицензия: ДВ 001 №000004

Ўзбекистон-Австрия оёқ кийим ишлаб  
чиқариш қўшма корхонасига иш тажри-  
баси 3 йилдан кам бўлмаган тикувчилар  
бутлаш ва устки қисмларини тикиш  
учун зудлик билан талаб этилади.  
Ойликлар катта.  
Иш ҳақи ишбай усулда тўланади.  
Телефонлар: 279-37-52, 117-12-77.

Тадбиркор Аширов «Агро А» органик ўғити (гумус)ни  
чекланмаган миқдорда сотади.  
Тел: 702-17-91

«Олимпон» масъулияти чекланган жамияти тугатилади.  
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ойгача 160-17-  
90 телефони орқали қабул қилинади.



## Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,  
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
4398 нусхада босилади.  
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича  
турар жойлардаги почта бўлимига ёки  
«Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефониға  
мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер  
марказида терилиб на санифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаси акциядорлик компанияси  
босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
1 2 3 4 6